



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (11.695)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириш бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.

2. 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 45 215 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 88 845 сўм;
ягона тариф сеткаси бўйича бошлангич (нулнчи) разряд – ойига 45 215 сўм;
болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 88 845 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 54 265 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Белгилансинки, 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб барча турдаги пенсияларнинг ўртача 1,2 баравар оширилиши уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини инобатга олган ҳолда амалга оширилади, бунда 1991 йилнинг 1 январигача ва ундан кейинги йилларда тайинланган пенсияларнинг миқдори тенглаштирилиши назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўн кун муддатда пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг аниқ миқдорларини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқсини таъминласин.

6. Қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши 90 фоиз миқдорига республика давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ҳамда 10 фоиз миқдорига бюджет муассасалари ва ташкилотлари сметалари бўйича харажатларни мақбуллаштириш ҳисобидан;

пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши республика давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

7. Хўжалик ҳисобидаги бирлашма, корхона ва ташкилотлар 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 16 ноябрдаги ПФ-4152-сонли Фармони (8-банди истисно қилинган ҳолда) 2010 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 9 июль

ҚИСҚА
САТРАРДА

Тошкент шаҳар
ҳокимлигининг Ахборот
хизмати ва ўз муҳбирларимиз
хабарларидан.

✓ ОЛИЙ ҳарбий таълим масканлари абитуриентлари тест имтиҳонларини топширди.

✓ РЕСПУБЛИКА шошилинч тиббий ёрдам илмий марказига ва Республика миллий реабилитация марказига яқин кунларда Япониядан замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар келтирилиши кўзда тутилмоқда.

✓ ЎЗБЕКИСТОН фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги Қонуннинг соҳани ривожлантиришдаги моҳияти, бу

борадаги меъёрий ҳужжатларнинг ижроси, озуқа экинларини етиштириш, қайта ишлаш, экспорт қилишнинг аҳамиятига бағишланган анжуман ташкил этилди.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



2010 йил — Баркамол авлод йили

БОЛАЖОНЛАРГА АЖОЙИБ СОВҒА

Мамлакатимизда эртанги кун эгалари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етиши йўлида олиб борилаётган саяё-ҳаракатлар диққатга сазовор бўлаётир. Жорий йилнинг Президентимиз томонидан Баркамол авлод йили деб номланганлиги ҳам бежиз эмас. Бу албатта фарзандларимизга кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликнинг яққол ифодасидир.

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида жажжи болажонларнинг яйраб-қувнаши, бўш вақтини мазмунли ўтказиб, яхши дам олиши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, кунга кеча «Шайхонтоҳур» маҳалласида кўп қаватли уйлар ҳудудида ҳомийлар томонидан барпо этилган замонавий болалар ўйин майдончаси фойдаланишга топширилди.

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида шу кунгача ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайиши учун қанча-қанча ишлар амалга оширилди, лекин олдинда фарзандларимизнинг бахту саодати ва камолоти йўлида қилинадиган саяё-ҳаракатларимиз кўлами ҳали жуда кенг, — деди болалар майдончасининг тантанали очилиш тadbирини Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси

Фарида Абдурахимова. — Пойтахтимиз маҳаллалари обод бўлиб, кун сайин кўркамлашиб бормоқда. Махмувий ўйингоҳлардан иборат майдонча очилиши нафақат шу маҳалла аҳлини, барчамизни хушуд этди. Болаларнинг қувнашини кўрган ҳар бир инсон беғубор дамларини эслайди... Бундай эзгу ишлар бошқа маҳаллаларда ҳам давом этади, албатта.

(Давоми 2-бетда).

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражасини оширишда муҳим ўрин тутувчи хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳалари жадал ривожланмоқда.

БАНК КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

нинг ҳиссаси орди. Суғурта компаниялари хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтирмоқда, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари изчил ривожланмоқда.

Яқинда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хусусий банклар қаторига Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг барча турдаги банк фаолиятларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясини олган «Orient finans» ёпиқ акциядорлик тижорат банки ҳам

қўшилди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга кўмаклашиш, кичик ва хусусий бизнес лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда мамлакатимизда янги турдаги мулкдорлар шаклланишини рағбатлантириш — янги банк фаолиятининг устувор йўналишларидир.

Устав жамғармаси 11,4 миллиард сўмдан ортиқ бўлган, шундан 80 фоизини жисмоний шахслар улши ташкил этадиган мазкур янги банкнинг очилиши Президентимизнинг

1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида яққол мисол бўла олади.

Марказий банкнинг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 31 тижорат банки фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ундан бирдан кўпроги хусусий банклардир.

В.РУДАКОВА,
ЎЗА муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ҳамда «Журналистлик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларнинг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича ўтказилган назорат-таҳлил яқунлари кўриб чиқилди.

● Жиззах вилоятининг чекка ҳудудларидан бири — Арнасой туманида янги гишт заводи ишга туширилди. Мазкур хусусий корхона кунга 18 минг дона пишиқ гишт тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда ўндан зиёд киши доимий иш билан таъминланди.

● Наманган шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежида бўлиб ўтган «Аскар оналарини шарафлаймиз» номли маданий-маърифий тадбирда Президентимиз томонидан мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган гамхўрлик уларни ўз хизмат бурчини сидқидилдан адо этишида кучли рағбатлантирувчи омил бўлаётгани таъкидланди.

● Навоий вилоятида жорий йилда намунавий лойиҳа асосида 410 та хусусий уй-жой қуриш белгиланган бўлиб, Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, Навбахор, Комимех, Томди, Нурота ва Учқудуқ туманларидаги йигирмага яқин қишлоқда қурилиш ишлари изчил давом этмоқда.

● Бухоро туманида момик сочиқлар ҳамда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Турхалработикозитекс» кўшма корхонаси иш бошлади. Замонавий технология билан жиҳозланган корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари, асосан, хорижа экспорт қилинмоқда. Айни пайтда ўттиз киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

● «Маҳалла» жамғармасининг Жиззах вилояти бўлими уйда таълим олаётган 13 нафар жисмоний имконияти чекланган болаларга замонавий компьютерлар тақдим этди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ушбу хайрия тadbiri жисмоний имкониятлари чекланган болажонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, уларни фаол ҳаётга жалб этишга қаратилган.

● Пахтабод туманида йилига 90 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга «Алсабр» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Айни пайтда бу ерда 12 киши ишли бўлиб, замонавий технологиялар ёрдамида олти хил сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

ЖАҲОНДА

● Кеча Японияда мамлакат сенатига сайловлар бўлиб ўтди.

● АҚШ кўмондонлиги Басра шаҳри яқинидаги Ироқ денгиз пйедалари жойлашган базани Ироқ ҳарбийлари ихтиёрига топширди.

● Кеча Уганда пойтахтида иккита кучли портлаш содир этилди. Портлашларнинг жаҳон чемпионатининг финал беллашуви пайтида жуда гавжум бўлган ресторан ва спорт клубида содир этилганлиги туфайли 60 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Ушбу портлашлар террорчилик ҳаракати сифатида баҳоланмоқда ва уни «Ал-Қоида» гуруҳи билан алоқада бўлган Сомалининг «Аш-шабаб» экстремистик гуруҳи амалга оширганлиги гумон қилинмоқда.

● «Бритиш петролеум» компанияси платформасининг Мексика кўрфазига ҳалокатга учраши оқибатида ҳосил бўлган нефть доғлари АҚШнинг кўрфазга туташ бўлган Луизиана, Флорида, Миссисипи, Алабама ва Техас каби бешта штати киргоқларига етиб борди.

● Ирландия археологлари қадимда денгиз туби бўлган Перудайга Ика саҳросидан бундан 13 миллион йил муқаддам денгизда яшаган 18 метр узунликдаги Левиафон деб номланган кашалот қондиқларини топдилар. Ушбу кашалот дунёда энг йирик тишли ҳайвон дея эътироф этилди. Яъни тишининг диаметри 36 сантиметрлик кашалотнинг жағи узунлиги 3 метрни ташкил этади.

● Швейцариядаги аэропортдан қуёш батареяларига жамланган қувват орқали ҳаракатланадиган «Собр импальс» номли янги энгил самолётнинг бир кеча-кундузлик синов парвози амалга оширилди. Ушбу самолётни тайёрлаш ташкилотчиларга 82 миллион долларга тушган бўлиб, у қанотларига ўрнатилган 11 мингта қуёш батареялари орқали ҳаракатланади.

Абитуриент-2010

ТАЛАБАЛИК ОСТОНАСИДА

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қарийб бир аср давомида ўз бағрида юртимиз равнақи учун фидойи олимлар, ёзувчи ва шоирларни камол топирган даргоҳдир. Мустақиллик шарофати билан мазкур дорилфунун миллий мақомга эга бўлиб, нуфузи ва мавқеи янада ортди. Кейинги йилларда бу даргоҳни битирган минглаб ёшлар бугунги кунда турли соҳаларда фаолият юритмоқда.

Айни кунларда олий ўқув юрларида тахсил олиш иштиёқида бўлган ҳужжатли ўғил-қизларнинг кўпчилиги айнан Ўзбекистон Миллий университетига киришга ҳаракат қилмоқда, десак адашмаймиз.

Олий таълим муассасаларида шу кунларда 2010-2011 ўқув йилига ҳужжатларни қабул қилиш жараёни кизгин кечмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида ташкил қилинган қабул комиссияси маълумотида кўра, бу йили бакалаврлар тайёрлаш босқичига 37 та йўналиш бўйича 1700 абитуриент, шу жумладан 650 нафари – давлат гранти асосида қабул қилинади.

— Қабул комиссияси икки йўналишда — гуманитар ва табиий фанлар бўйича ҳужжатларни қабул қилмоқда. Ҳеч бир абитуриент эътибордан четда қолмайди, уларнинг ота-оналари учун

ҳам барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети декани Нурибой Жабборов. — Ўзбек филологияси факультети ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлгани боис кўпчилик ёшлар шу йўналишда олий таълимга эга бўлишга хоҳиш билдирмоқда. Бунга қабул

қилинган ҳужжатлар бўйича дастлабки кўрсаткичлар ҳам далилдир. Ўрни келганда, шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, 1918 йилда ташкил топган мазкур факультет дастлаб адабиёт ва фалсафа номида юритилган, кейинчалик тўрт марта номи ўзгариб, деярли ўттиз йилдан бери ўзбек филологияси сифатида фаолият юритмоқда. Ёшларимизга филология туркумидаги фанлардан 50 га яқин фан докторлари ва номзодлари, 20 дан зиёд катта ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Бу факультетда бугунги кунда халқ шоирларию эл ардоғидаги ёзувчиларимизнинг кўпчилиги тахсил олган. Ўзимизнинг 40 мингга яқин китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс марказимиз ҳам бор. Бундан та-

шқари, машҳур олимлар Ф.Каримов ва Ш.Шукуров фондлари ҳам талабаларга хизмат қилмоқда.

Ўзбек филологияси факультетида филология ва тилларни ўқитиш, нутқ маданияти ва нотиклик санъати, шунингдек, санъатшунослик — уч йўналиш бўйича таълим берилади ва ҳар йили ўртача 130 та абитуриент қабул қилинади. Қабул жараёни яқинда бошланган бўлишига қарамай, деярли ҳар бир ўринга биттадан ҳужжат тўғри келмоқда. Бу — шу кунгача бўлган маълумот. Ҳужжатлар 20 июлгача қабул қилинади.

— Абитуриент ёшларимизга, — деди сўзи якунида Н.Жабборов, — бор куч ва билимларини ишга солиб, талаба деган номга сазовор бўлишларида муваффақият ва омадлар тилаб қоламиз.

Дилсўз ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети талабаси



БОЛАЖОНЛАРГА АЖОЙИБ СОВГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маросимда маҳалла фаоллари кичикинтойларнинг яйраб, қувноб дам олиши учун ўйин майдончаси барпо этилишида ташаббускор бўлган Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ҳомийларга чин дилдан миннатдорчилик билдиришди.

— Маҳалламизда саккиз мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, ҳар бир оилада ўрта ҳисобда икки-учтадан фарзанд вояга етмоқда, — дейди «Шайхонтоҳур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Алишер Собиржонов. — Ҳаммамиз аҳил ва иноқмиз, жамоат ишларида барча ҳамжиҳат бўлиб иштирок этади. Меҳр-оқибатли, саховатпеша инсонлар кўп. Кўп қаватли уйлар оралиғидаги бўш жойда улар кўмагида бундай чиройли дам олиш майдончаси қурилганидан ҳаммамиз жуда ҳам турсандимиз. Кўриб турганингиздек, бу маскан атрофи ўралган, чим ётқизилиб, фавворачалар ўрнатилган, турли хил ўйингоҳлар ҳам қурилган.

— Уч фарзандим бор. Ёзининг иссиқ кунларида ҳар кун болаларимни кўчага сайрга олиб чиқаман. Уйларимиз олдида болалар учун ўйин майдончаси йўқлигидан қийналардик, — дейди Феруза Аҳмедова. — Бўш ётган жой ўрнида ҳомийлар кўмагида ҳушманзара майдонча қад ростлагани кўнглимизни қанчалик кўтарди... Маҳалламиз аҳли номидан аввало ёшларга раҳнамо бўлиб, ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизга, бу ишларга бош-қош бўлган барча-барчага раҳматлар айтამиз.

— Бу эзгу ишлардан нафақат кўнглингиз кўтарилди, балки ғайратингизга ғайрат қўшилиб, уларнинг иштирокчиси бўлишга ҳаракат қилсан, — дейди нафақахўр Миратҳам Пўлатов. — Тўртта набирам бор. Тенгқурлари қаторида улар ҳам ўйнаши учун шундай бир майдонча барпо этилганидан бошим осмонга етди. Қорақўзларимиз, жондан азиз дилбандларимизнинг саломатлиги, қувончи бизнинг қувончимиз албатта. Сахийқалб, меҳри дарё инсонлар орамизда кўпайсин.

Юртимизда ҳаётимиз қувончи ва мазмуни бўлган болажонларимизнинг ёрқин келажиги йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар, дарҳақиқат, барчамизнинг қалбимизни фаҳрга тўлдиради. Бундай хайрли ишлар бардавом бўлсин.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: «Шайхонтоҳур» маҳалласида барпо этилган болалар майдончасининг очилиш маросимидан лавҳа

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Жамоат ташкилотларида

Инсон манфаати, ҳақ-ҳуқуқи таъминланишида ижтимоий Ҳимоя алоҳида ўрин тутди. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар эса, шубҳасиз, ўз самарасини бераётди.

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

«Меҳнат аҳлини ҳар томонлама Ҳимоя қилиш» ширини илгари сурган ҳолда ушбу йўналишни асос қилиб фаолият юритаётган касабга уюшмаларининг ҳам ҳиссаси ўзига хос.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси шаҳар кенгашининг ҳисобот анжумани бунга яққол мисол бўла олади.

Ўтган вақт давомида кенгаш томо-

нидан меҳнат жамоаларида шароитларни янада яхшилаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш билан бир қаторда асосий эътибор кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, дори-дармонлар, ўқув қуроллари, дарсликлар ва мактаб формалари билан таъминлашга қаратилган.

«Ёшлик» шаҳарчаси ҳудудидаги тўққизта маҳалла ва талабалар турар жойларида 43 мингдан ортиқ фуқаро истиқомат қилади.

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг шаҳарча бўлими томонидан талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила фарзандларига кўмак бериш мақсадида хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маҳаллаларга жиддий эътибор қаратилгани бу тизимнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ривожланишига замин яратди. Бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларда маҳалла иштироки яққол кўзга ташланади. Хусусан, эҳтиёжмандларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг камолоти ҳақида қайғуриш, ишсизликни, тартибсизликни бартараф этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш каби долзарб вазифалар маҳалланинг ҳам зиммасидадир.

«Беруний майдони», Беруний, Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Ғолиб номидаги, «Чигатой Оқтепа», «Хислат», «Зиё», «Университет» ва «Шифокорлар» маҳаллаларида, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудидаги барча ўрта махсус ва олий ўқув юрларида тахсил олувчи талаба-ёшларнинг бўш вақтини унумли ва мазмунли ўтказиш, уларни ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишига кўмаклашиш, иқтидорини намойиш этишга шароит яратиш мақсадида турли учрашув ва тадбирлар уюштирилиб келинади.

Мамлакатимиз Президентининг «Ижтимоий, маънавий ва сиёсий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан талаба-ёшлар би-

лан ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ва тиббиёт мутахассислари иштирокида давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинади. Баркамол авлод йили муносабати билан «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими томонидан кам таъмин-

ТАЛАБА КАМОЛОТИДА МАҲАЛЛАНING ЎРНИ

ланган, ижтимоий Ҳимояга муҳтож оилалар, талабалар, яқка-ёлғиз қариялар, уруш фахрийларига доимий равишда ғамхўрлик қилинади.

— Маҳалла шундай тизимки, у одамларнинг иқтисодий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондириш имконига эга, — дейди «Туркистон-пресс» муҳбирига Тошкент тиббиёт академияси талабалар турар жойи дирекцияси раҳбари Анвар Шермуродов. — Ҳозирги кунга кели маҳалла ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси, ижтимоий соҳада самарали фаолият юритиши, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларини орттиги билан адо этиб келмоқда. Хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришдан ташқари, бошқарув идоралари устидан жамоатчилик на-

Касаба уюшмалари тизимидаги корхона-ташкilotларда иш юритиш, меҳнат ҳуқуқи, ижтимоий Ҳимоя, иш берувчи билан ишловчилар ўртасида жамоат шартномаларини тузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича аниқ мақсадга қаратилган кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ҳисобот йиғилишида буларга ургу берилган ҳолда, шунингдек Баркамол авлод йилида ҳам бу борадаги ишлар янада самарали кечаётгани, соҳа мутахассислари ва ёшлар давраси кенгайиб бораётгани таъкидланди.

Тадбирда жамоат шартномаларига қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Шоҳида МАҲМУДОВА

Жамғарма томонидан вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гивандлик каби салбий иллатларнинг олдини олиш борасида семинар ва тренинглар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, жорий йилда ҳудудда жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг аризаларига асосан коммунал тўловлардан қарздорлигини қоплаб бериш мақсадида 1,6 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилган.

— «Ёшлик» ҳокимияти ҳудудидаги 38 та талабалар турар жойида 10 мингдан ортиқ талаба-ёшлар истиқомат қилади. Уларга ўқиш, амалиётда билимини мустаҳкамлаш, спорт ва хунар тўғрисидаги аъзо бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди шаҳарча ҳокимининг биринчи ўринбосари Самуждон Ҳикमतов. — Мақсад талаба-ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларда спортга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, жисмоний соғлом авлодни вояга етказишдан иборат. Халқимизда бир болага етти қўшни ота-она, деган иборатли мақол бор. Талаба билан маҳалла ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга, улар билан узвийликни таъминлашга ҳаракат қиламиз.

Жисмоний имконияти чекланган талаба-ёшларга ҳам катта эътибор қаратилиб, уларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ўзини ҳис қилиши учун кенг имкониятлар яратиш, иқтидори ва истеъдодини юзага чиқаришига ҳисса қўшиш ниятида жамғарма томонидан деярли икки миллион маблағ ажратилган.

Азима ҚИЁСОВА

КИТОБ — МАЪРИФАТ МАНБАИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида халқимизнинг фидокорона меҳнатини, буюк бунёдкорлик салоҳиятини, замондошларимизнинг маънавий-руҳий дунёсини, баркамол авлод тарбиясидаги эзгу интилишларни теран бадиий акс эттиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти ғоят катта эканини таъкидлайди.

Айни пайтда ўқувчи-ёшларда китобга меҳрни янада кучайтириш, уларнинг билим ва кўникмаларини бойитиш, ўғил-қизларни миллатимиз учун ёт ва зарарли таъсирлардан Ҳимоялаш бугуннинг долзарб вазифаларидандир.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 202-мактабда ташкил этилган «Шодлик» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида «Китоб — маърифат манбаи» мавзусида ўтказилган адабий фестивалда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда маънавият тарғибчилари, педагоглар, услубчилар, шаҳримиздаги ахборот-ресурс марказларининг мутахассислари, мазкур оромгоҳда дам олаётган ўғил-қизлар иштирок этади.

Ёшлар қалби ва онгида эзгу фазилатларни қарор топтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда адабиётнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа бир қатор ташкilotлар ҳамкорлигида бадиий ижодиёт марказлари, болаларнинг ёзги дам олиш оромгоҳларида давра суҳбатлари, китобхонлик байрамлари, «Энг яхши китобхон», «Адабиёт ҳафталиги» каби маърифий тадбирлар, иждоий анжуманлар, жонли мулоқотлар, учрашувлар, кўрик-танловларни ўтказиш, жойлардаги ахборот-ресурс марказларининг таълим масканлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада самарали йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, зиё масканларининг китоб захирасини янги илмий-маърифий, болалар адабиётлари билан тўлдириш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Мактабимизда ташкил этилган ёзги оромгоҳда Чилонзор туманининг «Наврўз», «Тинчлик», «Хайриобод», «Бўрижар» каби маҳаллаларида истиқомат қилаётган серфарзанд, кам таъминланган, ижтимоий Ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари қамраб олинган, — дейди 202-мактаб директори Муҳайё Саидқоромова. — Оромгоҳдаги маърифий-тарбиявий ишларни ташкил этишда ўқувчи-ёшларнинг тафаккури, маънавиятини бойитишга йўналтирилган адабий-бадиий тўғараклар, ранг-баранг тадбирлар, иждоий фестиваллар, китобхонлик кечаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Фестивалда «Энг яхши китобхон» кўрик-танлови ғолибларига совғалар топширилди. Болалар бадиий жамоаларининг муслиқий дастури намойиш этилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ЁШЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Мирзо Улугбек туманидаги «Юзработ» спорт мажмуасида ихтисослашган мактаблар ходимлари, спорт услубчилари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассислари иштирокида ўқув-услубий семинар бўлиб ўтди.

Юртимизда ўсиб келаётган авлодга бўлган эътибор кундан-кун ортмоқда. Айниқса жорий йилнинг Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши бу борада муҳим қадам бўлди. Ёшлар учун қўллаб қўмалаш спорт мажмуалари барпо этилди. Янги қурилган бу иншоотларда спортнинг қўллаб турлари билан шугулланиш имконияти мавжуд. Бу эса қизиқиши юқори бўлган болаларнинг спорт билан шугулланиш имкониятини берибгина қолмай, уларнинг жисмонан соғлом, маънави раҳматли бўлишга алоҳида муҳим омил ҳисобланади.

Тадбирда спорт мактаблари ва спорт мажмуаларида болаларга сабоқ бераётган мураббийларнинг билими ва тажрибаси ҳақида гап борди. Шунингдек, ёшларни спортга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳар қандай мусобақа олдидан тайёргарлик кўришини назорат қилиш, келгусида ташкил этиладиган йилларда ғолиб бўлиш учун жисмонан ва руҳан тайёрлаш мураббийларнинг муҳим вазифаси эканлиги таъкидланди.

Семинар давомида ташкил этилган интерфаол ўйинларда спорт мутахассисларининг билим ва маҳорати ҳам синовдан ўтказилди.

Ақбар ЖИЯНОВ,
«Туркистон-пресс»



№ 3294 Тошкент шаҳар табиатини муҳофазат қилиш қўмитасининг саҳифаси

ОАЖ шаклидаги «Тошкент лок-бўёқ заводи» қўшма корхонаси саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва аҳолини лок-бўёқ маҳсулотлари билан таъминлаш борасида фаолият кўрсатади. Корхонамиз асосан алкид мойлардан лок тайёрлаш, улар асосида лок-бўёқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган, бундан ташқари, рангли пигментлар, алиф ва сувли дисперс бўёқлари ҳам ишлаб чиқарилади.

лари қайта ишлашга берилди.

Хар йили экологик шароитни яхшилашга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Чунинчи, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича де-

ва фойдаланиш чиқиндиларининг ҳосил бўлиши ва жойлашиши юзасидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар бор.

Корхонада экология хизмати саноат-санитария лабораторияси томонидан амалга оширилмоқда. Лаборатория ўз вазифаларини амалга ошириш учун барча зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган. Тошкент шаҳар табиатини муҳофазат қилиш қўмитаси қошидаги аналитик-назорат маҳсулоти инспекцияси билан бирга ҳар ойда атмосферага тарқалган учта чиқинди манбаларида мониторинг бўйича таҳлил олиб борилади.

Республикамизга катта миқдорда четдан лок-бўёқ маҳсулотлари кириб келаётган бир пайтда корхона олдида маҳсулот турларини кенгайтириш, янги турларни ўзлаштириш вазибалари устувор ҳисобланади. Кейинги йилларда сувли дисперс бўёқлари, турли рангдаги фасад бўёқлари, паркет ва мебель локи, акрил эмульсия асосидаги бўёқлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Келажақда сув асосида лок, эмаль, грунтвокалар, майда идишларда фасад учун сувли дисперс бўёқлари технологиясини ўзлаштириш режалаштирилган. Бу борада, албатта, экологик масалалар алоҳида ўрин тутди.

Ф.ФАЙЗИЕВ,
«Тошкент лок-бўёқ заводи» ҚК
техник директори

даланилади. Ёмғир ва ускуналарни тозалашда ҳосил бўладиган ифлосланган сувлар тиндириш, нейтраллаш ва флотациялаш жараёнлари орқали тозаланади.

Ибратли тажриба

Қўшма корхонада — АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ

Сарик темир оксид пигментини ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чангсимон чиқиндилар циклонлар ва матоли филтёрлар билан озода қилинади.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳажмини қисқартириш ва утилизация қилиш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Эмаль ишлаб чиқариш цехида лок ва эмаль қолдиқлари — филтёр патронларини қайта ишлашдан ҳосил бўлган чиқиндилар бўёқ тайёрлаш учун ўзлаштирилган. Чиқиндиларнинг катта қисми утилизацияга топширилади.

Ҳисобот йилида 664 та ишлатилган люминисцент чироқлари зарарсизлантиришга топширилди, 0,9 тонна ишлатилган минерал мойлар, 0,750 тонна ёйилиб кетган автомобиль шина-

ярли етти миллион сўмга тенг тадбирлар ўтказилди. Чанг-газларни тутиб қолиш тизимлари синовдан ўтказилди ва уларнинг иш самарадорлиги текширилди, 17 та ПГОУнинг барчаси соз ҳолатда ва иш самарадорлиги юқори. Доимий равишда Оққўрғон канали ўзани, ёмғир оқова сувлари тиндиргичлари, ариқ бўйларини тозалаш, дархат кўчаларини экиш ишлари олиб борилади. Корхонага туташган худудни ободонлаштириш ва корхона майдонларини тозаликда сақлаш бўйича ишлар мунтазам амалга оширилади. Ишлаб чиқариш чиқиндилари бўйича сувдан фойдаланиш, оқова сувларни шаҳар оқова сувлари тизимига чиқариш, атмосферага отилиб чиқадиган заҳарли моддаларнинг руҳсат этилган чегаравий миқдори, ишлаб чиқариш

ЯШИЛ ҲУДУДЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА

Инсон ўз ҳаёти давомида дархат, бута, гул ва умуман ўсимликка эҳтиёж сезади. Унинг турмуш тарзи мўтадил давом этиши учун маълум даражада кўкаламзорлаштирилган худуд керак бўлади. Бу — кўкаламзорлаштириш меъёри ҳисобланади. Аҳоли жон бошига кўкаламзорлаштириш меъёри ўрта ҳисобда 50 квадрат метр бўлган ҳолда шаҳримизда бу кўрсаткич 69 квадрат метрни ташкил қилади. Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштириш даражаси бугунги кунда Санкт-Петербург, Пекин, Москва, Остона, Сиэтл каби шаҳарлардан икки-уч марта ортқ. 1990 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 21,5 квадрат метрга ошди.

судралиб юрвчилар, 217 хили қушлардир. Қушларнинг 11 тури — ўтроқ, 39 таси — ин қурувчи, 89 тури — қишлоқчи, 78 таси — учиб ўтувчи ҳисобланади.

Экологик аҳволнинг яхшилигини кўрсаткичи мисолида шуни айтиш мумкин, кейинги йилларда шаҳар худудида лайлак ва турналар ин қура бошлашди. Ҳозирда Тошкент шаҳри ва унинг атрофида 200 дан зиёд лайлак ва турналарнинг инлари мавжуд бўлиб, бу албатта тинчлик ва фаровонликдан далолат беради.

Шаҳримизда каштан ҳамда игнабаргли дархатлар тез ривожланиши, шунингдек олмахоҳлар ҳам кўпайиши қулай шароитлар мавжудлигидандир.

Бундан ташқари, пойтахтимиз худудида бугунги кунда қорашақшақ, жигалтой, тошқирғий, қамиш машаги, кўктароқ, зағилдоқ каби қушларни учратиш мумкин. Бу қушлар ўзига хос экологик мувозанатнинг яхшилигини белгилувчи индикатор ҳисобланади. Жумладан, жигалтой ва тошқирғийнинг истироҳат боғларида учраши уларнинг осойишталиги ва тинчлигини, қамиш машагининг сув ҳавзаларида учраши соҳилда ўсаётган ўсимликларнинг ҳолатини, сув ҳавзаларида кўктароқлар пайдо бўлиши унинг тозалик омили, қорашақшақ ва зағилдоқ дархат ва буталар ҳолатининг қоникари эканлигини билдиради.

Ирода ТОШМАТОВА



Телур Шайдунов бундан сурат

БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Табиатнинг инсонга инъом этган буюк неъматларидан бири — ҳаётдир. Инсон ер юзини кўз очиб кўрган куниданоқ то умрининг охиригача она заминда яшаб, умр кўради. Ҳаёт эса мусаффо ҳаво, тоза табиий сув, теварак-атрофда ўсувчи ўсимлик, гиёҳ ва кўкатлар, ўз меҳр-муруватини сочиб турган қўшининг заррин нуриларидир. Она табиатни муҳофазат қилиш бу — ўзимизнинг ва барча инсонларнинг солиғига келажақ авлодлар ҳаёти билан боғлиқ муҳим ижтимоий масаладир. Шундай экан, инсон доимо табиат қўйнида яшаб фаолият кўрсатади, табиат билан узлуксиз муносабатда бўлади.

Табиатимиз бой, бу бойликлардан уларга зарар етказмасдан асраб-авайлаб, оқилона фойдаланиш, келажагимиз бўлган ёш авлодга кам-кўстисиз қолдириш асосий вазибаларимиздан биридир.

Инсон фаолиятининг атроф-муҳитга таъсири доирасида энг асосий тоза сув муаммоси ҳисобланади. Ер юзидеги сувлар бу — атроф-муҳитнинг энг таъсирчан қисми-дир.

Сув, таъкидлаб ўтилганидек, инсониятга табиат томонидан берилган ҳаёт манбаи, бебаҳо неъмат, бойлиги, инъомидир. Сув ҳаётнинг туғилишида, об-ҳаво ва иқлим ўзгаришида, инсон саломатлигини сақлашда асосий роль ўйнайди. Қадимги аجدодларимиз ҳам сувни тежаб, авайлаб ишлатган, эҳтиёткорона муносабатда бўлган.

Тарихга назар ташласак, шаҳримиздаги баъзи маҳаллалар номига «ховуз» сўзи кўшиб аталган. Масалан, «Каттаховуз», «Ховузоб» ва бошқалар.

Шаҳримизда ичимлик суви биринчи марта 1909 йилда тайёрланган. «Де Пантоти ва Ко» ширкати Салор тор кўчаси охирида Салорнинг жарлик қирғоғида сув кўтаргич минораси бўлган артезиан кудуғини қуради. Ушбу кудуғининг қуввати сотига 1500 литрни ташкил этиб, киши бошига бир кунлик сув сарфи 0,45 литрдан иборат бўлган. Ичимлик сувига кейинги қадам 22 йилдан сўнг — 1931 йилда қўйилган. Уша вақтда Бўзсув каналлида янги сув олиш тармоғи ишга туширилади. Ҳозирги кунда шаҳримиз аҳолиси ичимлик суви билан Бўзсув, Қодирия бош сув олиш иншоотлари — ер усти сув ҳавзаларидан, яъни Бўзсув каналидан, Қибрай, Қорасув, Жанубий, Сергели сув олиш иншоотлари — ер ости сув ҳавзаларидан, яъни кудуқлар орқали таъминланади келмоқда.

Шаҳримиз худудида Чирчиқ дарёси, Бўзсув, Салор, Қорасув, Толариқ, Найман, Дамаш, Калқовуз, Бўрижар, Анҳор, Қорақамиш каналлари ва 37 та ариқ ва кичик каналлар оқиб ўтади. Уларнинг бош сув манбаи Чирчиқ дарёсидир.

Бу канал ва ариқлардан шаҳримизнинг мўтадил иқлиминини сақлашда, дархатларни, хиёбонлардаги ўсимликларни, гулларни сугоришда фойдаланилади.

Шунингдек, дам олиш масканларидан етти таси — Ўзбекистон Миллий боғи, Тошкентлэнд, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Рохат, Бахт, «Янги Сергели», «Арт Шоу» истироҳат боғида сувий сув ҳавзалари ва кўллар ташкил этилган.

Юқорида қайд этилганидек, Тошкентда ичимлик суви тармоғи қурилганча бу канал ва ариқлар шаҳар аҳолисини сув билан таъминлайдиган ягона сув манбаи бўлган. Улар йилнинг фақат иссиқ кунларида аҳолини сув билан таъминлаган, қиш кунларида эса ариқлар музлаб қолган, шунинг учун сув танқислигининг олдини олиш мақсадида одамлар маҳаллаларда сувий сув ҳавзалари, яъни ҳовузлар қазилган. Аҳоли ҳовузларини тоза тузган, ўпирилиб кетмаслиги учун дархатлар ўтказилган, қирқоқларига тош бостирилган. Қузда ҳовузлар тозаланиб, қиш учун сувлар йилгилан. Шаҳримизда ичимлик сув тармоғи ишга туширилганча 500 та ховуз бўлган.

Дарҳақиқат, сув бизнинг бойлигимиз. Бу неъматни ифлослантирмастик учун барча ёш қари бир ёқадан бош чиқариб, ҳаракат қилиши керак.

Беҳиз ота-боболаримиз қадим-қадимдан табиатга оқилона муносабатда бўлмаган. Улар нафақат кудуқ сувларини, балки ариқ ва дарё сувларини ҳам муқаддас билган, ифлосланишига мутлақо йўл қўймаган. Биз ҳам сувни эъозласак, қадрласак, унинг тоза, пок ҳолда келгуси авлодларга етиб боришига ҳаракат қилсак, ҳаётимизнинг гўзал, обод ва фаровон бўлишига кўмаклашган бўламиз.

Д.СУЛТОНОВА,
шаҳар табиатни муҳофазат қилиш қўмитаси давлат ноэри



Қонун ҳужжатларида ворислик ҳуқуқи қандай амалга оширилади? Ворислик ҳуқуқининг тартиби бўйича тушунча берсангиз?

Сабоҳат Амонова,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1112-моддасида белгиланганидек, ворислик ҳуқуқи қонун ва васиятнома бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислик мавжуд бўлмаса ёки бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, ушбу кодексда белгиланган бошқа ҳолларда амалга оширилади. Демак, фуқаро вафот этиб, унинг ўлими кунда унга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат асосида тегишли бўлган мулкига нисбатан мерос очилади. Ворислик нотариал тартибда тасдиқланганлиги сабабли нотариус биринчи навбатда вафот этган фуқаро ўз номидан ўзининг мулкига васиятнома қолдирган ёки қолдирмаганлигини текширади.

Васиятнома мавжуд бўлса, мерос қолдирувчининг ушбу васиятномада белгилаб берган хоҳиш-иродаси амалга оширилади. Агар васиятнома мавжуд бўлмаса, ворислик қонун бўйича ҳал этилади. Қонун бўйича меросхўрлар ворисликка Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбатдаги тартибларда қақрилади.

Биринчи навбатдаги меросхўрлар таркибига болалари, эри ёки хотини ва ота-онаси қиради. Иккинчи навбатдаги меросхўрларга мерос қолдирувчининг ака-укалари, опа-сингиллари, ота-онаси тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда меросхўрлар бўлади. Кейинги навбат бўйича мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси қиради. Тўртинчи навбатдаги меросхўрлар таркибига мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга қиради) бўлган бошқа қариндошлари ва бешинчи навбатга мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари қиради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига кўра, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар мерос қолдирувчининг воёга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри ёки хотини ва ота-онаси, қонун бўйича ворис бўлганларида уларнинг ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб олади.

Васиятномага тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига кўра, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эълон этилади. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечтасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан васият қилаётган пайтда ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармоишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Эътибор берган бўлсангиз, васиятноmani расмийлаштириш чоғида мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмайди, аксинча умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартнома тузишда ўз мулкни, яъни уй-жойини бошқа шахсга берувчига ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжати бўлиши лозим. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш ҳақидаги шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилган тараф эса бунинг сабаблари ва асосларини кўрсатиши шарт.

Саодат ОРТИКОВА,
Ҳолида ҲАКИМОВА,
Собир Раҳимов тумани давлат нотариал идораси нотариуслари

ЭКОЛОГИК КУНДАЛИК

2010 йилнинг май-июнь ойларида табиатни муҳофазат қилиш қонунларига риоя қилмагани учун қуйидаги шахслар Маъмурий жавобгарлик кодексининг 91/1 моддасига асосан жаримага тортилди:

- Юнусобод туманидаги «Арус подишпник» МЧЖда маиший ва ўзга чиқиндилардан тозалаш ишлари амалга оширилмагани учун муҳандис Радик Булатов - 37.680 сўм миқдорда;
- Юнусобод туманидаги «Prime Alfa Invest» МЧЖ бош муҳандиси Александр Светличний ишлаб чиқаришда тозалаш ишлари қўрилмагани учун - 100.000 сўм миқдорда;
- Мирзо Улугбек туманидаги «Paxtagin» ОАЖ бош муҳандиси Нурматхон Зайнуллоев ишдан чиққан люминисцент лампалар утиллаштиришга топширилмагани учун - 100.000 сўм миқдорда;
- Сергели туманидаги «Сағбон коммунал сервис» ХУЖМШ раҳбари Рашид Сапаров ишлаб чиқариш чиқиндилари бўйича тозалаш ишлари амалга оширилмагани учун - 38.000 сўм миқдорда;
- Бектемир туман худудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Шуқрулло Алиев автотранспорт тўхташ жойини қуриш лойиҳаси экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз амалга оширилгани учун - 113.000 сўм миқдорда.

Ўз — ўтмоқда соз

ЗИЛОЛ СУВ ЖОНГА РОҲАТ

Болажонлар ёзги таътил кунларини барча шарт-шароитлар яратилган тўғарақлар, спорт мажмуаларига мунтазам қатнаб, бу ердаги зилол сувларда мазза қилиб чўмилиб, бир сўз билан айтганда, мароқли ўтказмоқда.

Учтепа туманидаги 297-мактаб қошида ташкил этилган «Табассум» соғломлаштириш оромгоҳида сузиш ҳавзаси барпо этилгани болажонлар қувончини янада оширди.

Мазкур иншоотнинг ишга туширилиши тантанали ташкил этилиб, маросимда халқ таълими бўлими вакиллари, ўқитувчилар ва ота-оналар қатнашди.

— Бугунги кунда ўқувчиларнинг таътил кунларида дам олиши учун ҳам яратилаётган бундай шароитлар ҳақида қанча гапирсак, қамлик қилади, — дейди мактаб директори Сулҳумор Азимова. — Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан капитал таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топширилган сузиш ҳавзаси шундай

хайрли ишларнинг бир бўлаги ҳолос. Давлатимиз томонидан ёшлар учун кўрсатилаётган катта эътиборнинг самараси ўлароқ яроқсиз аҳволга келиб қолган сузиш ҳавзаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Энди 850 дан зиёд мактаб ўқувчисидан ташқари, ён-атрофдаги «Кўксарой» ва «Уриқзор» маҳаллалари болалари ҳам ундан бемалол фойдаланади. Яқин орада кўшимча тарихида тикиш-бичиш, шахмат-шашка, инглиз тили, расм чизиш тўғарақларини очиш, шунингдек сузиш бўйича ҳам машғулотларни йўлга қўйишни режалаштирдик. Мақсади миз болажонларнинг мароқли дам олишига ҳисса қўшиш.

Оромгоҳда ўқувчилар ўндан ортиқ спорт машғулотларига қат-



Шоира МУҲАМЕДОВА

ИСПАНИЯ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Ўтган шанба кuni учинчи ўрин учун беллашув бўлиб ўтди. Ўйин олдида Германия терма жамоаси бош мураббийси И.Лёв Испания билан учрашувда нотўғри тактика танлангани, жамоанинг бу гал яна очиқ, ҳужумкор тарзда тўп суришини таъкидлаб ўтди.

ташаббусни ўз қўлларига олган Германияликлар 19-дақиқада ҳисобни очишди — Швайнштайгер зарбасини дарвозабон қайтаргач, Томас Мюллер қайта зарба билан тўпни дарвоза тўрига туширди. Бу жаҳон чемпионати кашфиёти бўлмиш ярим ҳимоячининг бешинчи голи эди.

Уругвайликлар ҳам бўш келишмади. Орадан 9 дақиқа ўтгач, Эдсон Кавани ҳисобни тенглаштирди.

Ғалабага бўлган кучли интилишни намоён этган уругвайликлар Диего Форланнинг аjoyиб голидан сўнг ҳатто олдинга ҳам чиқиб олдилар. Бу ҳам Форланнинг чемпионатдаги бешинчи голи бўлди.

Немисларнинг ўйиннинг охириги сонияларигача кураш олиб боришларини муҳлислар яхши билишди. Шундан сўнггина Германия терма жамо-

аси ҳужумкор ўйин кўрсатиб, кетма-кет ғалаба сари етаклайдиган икки тўп киритиб, учинчи ўрин эгасига айланди. Қизиги шундаки, Пауль лақабли саккизоёқ яна олдиндан башорат қилиб, немислар 3-ўриннинг соҳиби бўлиши, Испания эса жаҳон чемпиони сифатида донг таратишига ишора қилган эди. Буни эшитган уругвайликлар мураббийи ҳазил-чин аралаш: «Биз ҳам Германия, ҳам саккизоёққа қарши курашишимиз керак», деганди. Афтидан уругвайликларнинг икки томонлама «қурашга» кучи етмади.

Ниҳоят кеча Иоханнесбургдаги «Соккер сити» стадионида Испания ва Голландия терма жамоалари ўртасида финал беллашуви бўлиб ўтди.

Учрашув испанлар устунлиги билан бошланган бўлса-да, кейин вазият ўнганди. Ҳар иккала томон вақти-вақти билан хавф-

ли ҳужумлар уюштириб турди. Жумладан, Роббен, Снейдер, Вилья, Рамослар юз фоизлик имкониятларни қўлдан бой берди. Бундай финал бахсларида битта гол ҳам ўйин тақдирини ҳал этиши мумкинлигидан келиб чиқиб, жамоаларнинг бирмунча эҳтиёткорлиги остида ўтган ўйиннинг асосий вақти 0:0 ҳисобида якунланди. Жуда кескин учрашув давомида ҳакамлар ўйинчиларга 13 марта оғохлантириш беришди. Голландиялик Хейтинг эса майдондан чиқариб юборилди.

Қўшимча вақтнинг 26-дақиқасида ниҳоят испанлар жуда кескин ҳужум уюштирдилар. Ўнг қанотдан жарима майдончасига ёриб кирган Андрес Иньеста Фабригаснинг аjoyиб тўп оширишидан фойдаланган ҳолда кучли ва аниқ зарба билан ҳал қилувчи голни киритди — 1:0.

Шу тариқа Испания илк бор

жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. Испания терма жамоаси сардори Икер Касильяс боши узра жаҳон кубогини кўтарган онлар ишқибозлар ёдидан узоқ вақт кўтарилмаса керак. Бу 2008 йилда Европа чемпиони бўлган Испания футболнинг жаҳоншумул тантанасидир.

Энди бевосита чемпионатнинг умумий якунлари тўғрисида тўхталадиган бўлсак, қўтиганидек Уэйн Руни, Криштиану Роналду, Семуэл Это'о, Дидье Дрога, Фернандо Торрес каби юлдузлар бу гал ёрқин қақнамади, балки Майкон (Бразилия), Снейдер (Голландия), Озил, Т.Мюллер (Германия), Рамос (Испания), Хонда (Япония), Суарес (Испания), Гьян (Гана) каби ўйинчилар бор маҳоратларини кўрсатиб, биринчилигининг энг кучли футболчилари қаторидан ўрин олишди. Хамюртимиз, халқаро тоифадаги ҳакам Равшан Эрматовнинг бешта ўйини бош ҳакам сифатида юқори даражада бошқариши барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди. Ҳозирги кунда Равшан жаҳоннинг энг кучли ҳакамлари қаторидан ўрин олди. Баракалла, ўзбек ўғлони!

Дилшод ИСРОИЛОВ



Дарҳақиқат, Германия ва Уругвай учрашуви чемпионатнинг энг қизиқарли ва ҳаяжонли ўйинларидан бирига айланди. Зеро, ҳар иккала жамоа куч ва маҳорат бобида бир-бирига тенг эди ва майдонда ҳужумкор ўйин намоён этишди.

Учинчи ўрин учун учрашувларда кўпинча ярим финалда ютказган жамоалар руҳан тушкунликка тушиб, майдонда иккинчи таркибда бемалол тўп суришга ҳаракат қилишди. 1982 йилда ёрқин ўйнаган, чемпионликка астойдил интилган Франция терма жамоаси шундай қилганди.

Мазкур ўйинда ҳам немислар асосий дарвозабон Нойер, Лам, Подольски, Клозе каби бешта асосий ўйинчисиз майдонга тушган бўлса-да, чиройли ўйин кўрсатишди. Ўйин бошиданок

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Эстрада кўшиқчилигида миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги» мавзусида давра суҳбати ўтказилди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

ЭСТРАДА: МИЛЛИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда асосий эътибор ўзбек миллий эстрада санъатининг ривожига, ундаги ютуқ ва камчиликларга қаратилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда миллий эстрада санъати кун сайин ривожланиб бормоқда. Бадий юксак муносиқ асарлар орқали ёшлар маънавияти, диди ва тафаккурини бойитиш, уларда ватанпарварлик, юрт тақдирини учун дахлдорлик ҳиссини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилганлиги, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Дилларда Ватан мадҳи» кўрик-танловлари ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Тадбирда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўзбек муносиқасида катта ўзгаришлар рўй берганлиги қайд этилди. Эстрада йўналишида ҳам бунга яққол кўриш мумкин. Шунингдек, миллий эстрада санъатини янада ривожлантиришда куй ва сўз уйғунлигига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, айниқса ёш ижрочиларда сўз ҳикматини, маъри-

фатини кадрлаш туйғуларини шакллантириш муҳимлиги давра суҳбатида алоҳида эътибор бериб ўтилди. Иштирокчилар таъбири билан айтганда, сўз қалбдан қалбларга қайтиши ва кўнгиллар сўзининг қудратли кучидан завқ олиши даркор.

Бундан ташқари, соҳа мутахассислари болалар кўшиқчилигида миллийлик ва замонавийлик борасида ҳам фикр алмашишди.

Эстрада санъатида замонавийлик билан миллийликнинг уйғунлиги том маънода ижодкорга ва унинг тасаввурига боғлиқ жараён ҳисобланади. Миллий мерос ва замонавий ижрочилик аъналарига эстрадан боғлаш учун нафақат унинг мазмунини, қолаверса, ижод хусусиятини ҳам тушунмоқ керак.

Тадбир давомида «Ўзбек кўшиқчилигида миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги», «Эстрада кўшиқчилигининг яратилиши ва ижодий жараёни», «Кўшиқ матнида миллий маънавият масалалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Иштирокчилар «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танлови ва «Ниҳол» мукофоти совриндорларининг куй-кўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА

ПРОФИЛАКТИКА — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулдда вазиятлар вазириликда жаҳондаги эпидемик ва эпизоотик вазият, мамлакатимиз ҳудудига четдан хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда тегишли вазирилик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси фавқулдда вазиятлар вазирининг ўринбосари Ҳ.Абдулазизов мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бу жараёнда эпизоотик ва эпизоотик вазият барқарорлигини таъминлашнинг замонавий тизими шаклланиши алоҳида таъкидлади. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг қўламли профилактика чоратadbirlари юртимизда эпизоотик ва эпизоотик барқарорлиқни таъминлашда ўз самараларини бераётди. Юртимизга хавфли юқумли касалликлар кириб келишининг олди олинмоқда.

Кейинги пайтларда дунёнинг қатор мамлакатлари, жумладан, минтақамиздаги айрим давлатларда бу борада юзага келган мураккаб вазият хушёрликни янада оширишни тақозо этаётди.

Ана шу мақсадда тегишли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг қўламли профилактика ишлари олиб борилаётди. Чегаралардаги санитария-назорат пунктларида мунтазам текширув ва таҳлил ишларини олиб бориш, тиббиёт ходимларининг тайёрларлиги ва хушёрлигини ошириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксал-

тириш ва чорва молларини эмлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Фавқулдда вазиятлар вазирилик тегишли ташкилотлар билан биргаликда махсус ўқув-тактик машғулотлар ташкил этмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирилик билан ҳамкорликда жойлардаги санитария нazorати ва ветеринария пунктлари фаолият ўрганилиб, зарур услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Республика давлат санитария-эпидемиология марказларининг мутахассислари билан ҳамкорликда барча сув тозалаш ва тақсимлаш иншоотларининг фаолият мунтазам ўрганиб борилмоқда. Бозорлар, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа савдо мажмуаларида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилиши устидан назорат кучайтирилди.

Анжуманда дунёдаги эпидемик ва эпизоотик вазият, юқумли касалликларнинг мамлакатимизга кириб келишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар, республикамизда ушбу ҳолат барқарорлигини таъминлаш бўйича фаолият юритувчи хизматларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари самарасига оид ахборотлар берилди.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайshanба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3840 нусxada босилади. Қоғоз бېғими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақдаланди».

«Шарқ» нашриёт-матбوعо акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.